

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

БИТИРУВ–МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: СИЖО ЖАНРИДА ҚУШЛАР РАМЗИ

Бажарди: “Корейс филологияси” таълим
йўналиши битирувчи курс талабаси
Баймирзаева Зухраҳон Акмал қизи
_____.

Илмий раҳбар: “Корейс филологияси”
кафедраси, ф.ф.н. катта ўқитувчи
Саидазимова Умида _____.

Тошкент – 2012

Битирув малакавий иши химояга тавсия этилди.

Узоқ шарқ ва жанубий Осиё тиллари
факультет декани
доц. Носирова С.

“ ” 20__ йил.

Хорижий шарқ мамлакатлар
адабиёти кафедра мудири
доц. Муҳибова У.У.

“ ” 20__ йил.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1 БОБ. XV-XVI АСРЛАР КОРЕЙС ШЕЪРИЙ ТИЗИМИ ВА СИЖО ЖАНРИ	9
1.1. Корейс тилидаги шеъриятнинг вужудга келиши: тарихий шароит ва ижтимоий-сиёсий муҳит	9
1.2. Сижо жанридаги шеъриятининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари	15
2 БОБ. СИЖО ШЕЪРИЯТИДА РАМЗИЙЛИК	22
2.1. Сижо жанридаги шеърларнинг мавзу кўлами.....	22
2.2. Сижо шеъриятида қушлар рамзининг бадиий талқини.....	27
ХУЛОСА	37
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	41

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги халқимизнинг жаҳон миқёсига чиқишига, турли халқлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатишига имкон берди. Мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб, ўзининг самараларини бераётган бугунги кунда халқимиз олдида улкан вазифалар турибдики, уларни амалга оширишда адабиёт ва санъатнинг роли беқиёсдир. Бу ўз навбатида миллий адабиётимиз билан бир қаторда бутун жаҳон адабиётига ҳам тегишли бўлиб, унинг атоқли сўз усталари асарларида илгари сурилган умумбашарий ғоялар, ўзаро меҳр-оқибат, оилавий муносабатлар каби инсон ҳаётининг узвий қисмига айланган муаммолар ечимида адабиётнинг аҳамиятига изохнинг ҳожати йўқ.

Бугунги адабиётимиз Ғарб ва Шарқ адабиётларининг илғор тажрибаларига яқин ошно тутиниб, улардаги энг яхши жиҳатларни ўзига сингдириб олмоқда. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Миллий маданиятимиз ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор бериш керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас!”¹

Шу жиҳатдан, қадимий анъаналарга эга бўлган корей адабиётини чуқур ўрганиш, улардаги инсоний ғояларни, ажойиб бадиий дурдоналарни таҳлил этиш ишнинг долзарблигини яна бир қарра исботлайди.

Сижо жанри — ўрта асрлар корейс классик шеърини намунаси бўлиб, корейс миллий ёзувида яратилган илк шеърини жанрдир. Шу жиҳатдан, ушбу мавзунинг ўрганилиши корейс адабиёти, хусусан ўрта асрлар шеърини борасида янги маълумотлар олиш, бу соҳадаги билимларимизни янада бойитиш имконини беради.

¹ И Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1999; 686-б..

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта асрлар корес адабиёти А.Ф. Троцевич, Чо Тониль (1989:2 / 조동일), Хван Пхэган (황패강), Чон Гюбок (정규복), Ким Тонгуг (김동국), Ким Хамен (김하명), Юн Сепхён (윤세평), Ко Чонок (고정옥), ўзбек корейшуносларидан У.Т.Саидазимова томонидан ўрганилган.

Сижо жанрининг илмий жиҳатдан таҳлил қилиниши, махсус монографик тадқиқотлар объекти сифатида ўрганилиши тарихи унчалик ҳам бой эмас. Сижо жанри Кореядан ташқари бошқа ҳудудларда деярли машҳур бўлмасда, таъкидлаш жоизки, у рус ва инглиз тилларига фаол таржима қилинган ва қилинмоқда. Сижоларнинг инглиз тилидаги илк таржимаси XX асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлди ва шунга қарамай ғарб оламида жуда кенг тарқалди. 1986 йилда Америкада чиқадиган “Poet” журналининг битта сони тўлиғича ушбу шеърий жанрга бағишланди. Сижонинг инглиз тилига таржималари келиб чиқиши корейс бўлган америкалик шоир Уильям Ким томонидан амалга оширилди. Шоир томонидан сўнгги йилларда “Sijo By Korean Poets in China” (1987) и «Poems of Modern Sijo» (1990) номли асарлар чоп этилди. 1996 йилда канадалик шоира Элизабет Сент Жак “Around the Tree of Light” номли инглиз тилидаги сижолар тўпламини чоп қилди. Ҳозирда шоира ўзининг веб-сайтида «Sijo in the Light» номли адабий лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. АҚШда сижоларнинг таҳлили ва таржимаси устида иш олиб бораётганлардан яна бири шоир Ларри Гросс ва Гарвард университети профессори Дэвид Маккейнди. Сижоларнинг рус тилига таржимаси А.А. Ахматова томонидан амалга оширилган. Шоира корейс тилини билмаганлиги туфайли А.А. Холодович ёрдамида сатрларни сўзма сўз таржима қилган. Бундан ташқари корейшунос олимлар П.А. Пак,

М.И. Никитина ва Л.Р. Концевичлар билан ҳамкорликда А.Л. Жовтис² ҳам сижо таржималари билан шуғулланган. А.Л. Жовтис сижоларнинг нафақат рус тилига, балки украин тилига ҳам таржимасини амалга оширган. 1977 йилда Л.Р. Концевичнинг илмий таҳрири остида «Қордаги бамбук» тўплами нашр этилган бўлиб, ушбу тўпламга А.Л. Жовтиснинг тўрт юзга яқин таржимаси жамланган. Парижда бўлиб ўтган корейшуносларнинг халқаро анжуманида сўзлаган нутқида (1994 й.) А.Л. Жовтис “Сижо жанри — корейс халқининг ўлмас меросидир” деб баҳо берган эди.

Шунингдек, юқорида номлари зикр этилган олимлар корейс шеърияти таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотлар муаллифи саналадилар. Бугунги кунда, сижоларнинг рус тилига таржимаси билан шуғулланаётган М.В. Леонов ва Р. Хелар ушбу шеърларнинг таржималарида асл вазнини сақлаб қолишга ҳаракат қилишмоқда.

Сижо жанри махсус монографик тадқиқот объекти сифатида таҳлилига тортилган илмий ишлардан бири россиялик шарқшунос олима Н. Нига тегишлидир. Наталья Ни томонидан “Сиджо в системе жанров мировой лирики” (Жаҳон шеърияти жанрлари тизимида сижо, Москва, 2007) номли китоби нашр этилди. Ушбу китобда сижо жанрининг назарий жиҳатлари ёритиб берилди. Ушбу тадқиқот шу кунгача бўлган изланишлардан тубдан фарқ қилади. Муаллиф корейс тилидаги бу учлик ўзига хос стурктур тузилишга эга эканлигига катта эътибор қаратди ва шу жиҳатдан сижонинг шарқ ва ғарб шеъриятидаги поэтик шакллардан фарқини кўрсатиб берди. Тадқиқотда сижоларнинг корейс фольклор жанрлари билан алоқаси, образлар ранг-баранглиги каби бир қатор назарий жиҳатлари ҳам тадқиқ этилган.

² **А. Л. Жовтис** (05.04.1923—09.11.1999) —Украинанинг Винница шаҳрида таваллуд топган. 1942 йилдан Қозоғистонда яшаган. Филология фанлари доктори, Абай номидаги Олмаота Давлат университетининг рус ва жаҳон адабиёти кафедраси профессори, таниқли адабиётшунос олим, корей шеърияти таржимони

Ўзбек тилида сижолар ҳақидаги назарий маълумотлар В.Н. Ким, У.Т. Саидазимова, И.Л. Паклар томонидан тайёрланган “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. (Корея)” номли ўқув қўлланмада берилган.

Битирув малакавий ишнинг манбаси. Битирув малакавий ишимизга манбалар сифатида 1993 йил Сеулда чоп этилган Квон О Сок(권오석)нинг «시조를 찾아서» (сижони қидириб) корейс шоирларнинг сижолари тўпламини ҳамда институтимиз қошида езилган “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея адабиёти)” ўқув қўлланмасидаги сижоларни танладик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари.

Сижо шеърий жанрида кушлар рамзининг бадий талқинини ёритиб бериш битирув малакавий иш олдига қўйилган **асосий мақсаддир**. Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- XV-XVI асрлар корейдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг адабий жараёнларга таъсири масаласини ўрганиш;
- Чосон (Ли) сулоласи ҳукмронлиги даври мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар билан танишиш;
- Миллий ёзувнинг жорий қилиниши ва унинг адабиёт тараққиётига таъсири масаласини ўрганиш
- XV-XVI асрлар корейс шеърий тизими ва унда сижо жанрининг ўрни масаласи;
- корейс тилидаги шеъриятнинг вужудга келиши ҳақида маълумотлар тўплаш;
- илмий манбалар асосида сижо жанридаги шеъриятининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;
- сижо шеъриятида рамзийлик моҳиятини ёритиш;
- сижо жанридаги шеърларнинг мавзу кўламини аниқлаш;
- сижо шеъриятида кушлар рамзининг бадий талқинини амалга ошириш.

Ишнинг амалий аҳамияти.

Корейс ўрта асрлар шеърлятида янги ҳодиса бўлган сижо жанри, унда қушлар рамзининг бадий талқини билан боғлиқ маълумотлар билан бакалавр йўналишида ўқитиладиган “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти (Корея адабиёти)” ҳамда магистратура йўналишидаги “Шарқ ва Ғарб адабиёти типологияси”, “Шеърлий тизимлар”, “Адабиёт назарияси” фанлари учун ўқув қўлланма, маъруза матнлари яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Иш Кириш, ҳар бири фасллардан иборат 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

1 БОБ. XV-XVI АСРЛАР КОРЕЙС ШЕЪРИЙ ТИЗИМИ ВА СИЖО ЖАНРИ

1.1. Корейс тилидаги шеъриятнинг вужудга келиши: тарихий шароит ва ижтимоий-сиёсий муҳит

Тарихий шароит ва ижтимоий-сиёсий муҳит. Адабиёт тарих кўзгусидир, дейишади олимлар. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир халқнинг тарихи унинг адабиётида акс этади. Жумладан, корейс адабиёти, хусусан, битирув малакавий ишимиз объекти бўлган сижо шеърияти ҳақида фикр юритишдан аввал, албатта, бу жанр пайдо бўлган тарихий шарт- шароит ҳақида, қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтиш жоиздир. Чунки сижо шеърияти пайдо бўлган давр (**XV-XVI асрлар**) Корея халқи тарихининг ўзгаришларга бой энг қайноқ давларидан бирига тўғри келади.

Тарихдан маълумки, XIV асрнинг иккинчи ярмида йирик феодал мулкдорлар ерга эгалик ҳуқуқини ўз қўлларига олдилар, натижада жуда кўплаб инсонлар оддий ҳуқуқсиз деҳқонларга айландилар. Бу даврда оддий халқ уч томондан сиқувга олинган эди: 1. Мулкдор феодаллар. 2. Япон босқинчилари. 3. Хитой “қизил боғичлилар”и. Бироқ корейс халқи турли томондан ўтказилаётган сиқув ва тазйиқларга мардонавор тарзда жавоб қайтарди.

XIV аср охирида содир бўлган сарой тўнтариши натижасида мамлакатда Ли сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. Ушбу сулола 1392 йилдан 1910 йилгача ҳукмронлик қилди. Бу Корея тарихидаги сўнгги феодал давлат ҳисобланади. Сулола асосчиси Ли Сонге ўз давлатини Қадимги Чосон хотирасига “Чосон” деб номлади. Сеул мамлакат пойтахтига айланди. Янги подшо ва унинг ворислари Кореяда марказлашган давлатни тиклаш чораларини кўрдилар.³

Ли сулоласи ҳукмронлиги даврини 3 босқичга бўлиш мумкин: илк, кеч ва замонавий давр. Илк давр Ли сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилган даврдан

³ Ким В.Н., Саидазимова У.Т., Пак И.Л. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. Тошкент, 2010, 79 бет.

бошлаб XV – XVI асрларни ўз ичига олади. Янги қирол сулоласи ҳукмронлари феодал тизими мавқеини мустаҳкамлаш ва қайта қуриш чора тадбирларини кўрдилар. **Натижада XV аср Корея Ўрта асрлар тарихида энг кучли феодал ҳукмронлиги даври сифатида эътироф этилди.** Бу даврда феодал ҳукумати бошқаруви умумий майдони 1,5 млн. кер (кер – ер майдони ўлчов бирлиги) бўлган далаларга, бир миллион деҳқон и 350 минг кулларга эгалик қиларди.

Халқнинг сайёи ҳаракати ва курашлари туфайли XV асрда иқтисод, ҳарбий ишлар ва маданий соҳада сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Қишлоқ хўжалиги, дон маҳсулотларини етиштириш сурати анча жадаллашди.

Бу даврда мамлакатнинг ҳарбий қудрати ҳам анча ошди. Халқнинг ватанпарварлик руҳига суянган феодал ҳукмронлар чет эллик агрессорларга қарши курашни кучайтирди. Япон босқинчиларига қарши жиддий зарбалар берилди.

Халқнинг ижоди ва таланти феодал маданияти соҳасида ўзгариш бўлишига туртки берди. **1443 йилда корейс алифбоси** жорий қилинди, жаҳонда биринчи бор металлдан ***ёмғир ўлчагич кашф қилинди.*** Шунингдек, астрономия, механика, география, типография, ҳарбий ва тарихий фанлар, адабиёт ва санъат соҳасида катта ютуқларга эришилди. Бироқ конфуцийлик янги сулоланинг давлат идеологияси даражасига кўтарилган бўлиб, бу ўз навбатида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий ҳаётига жиддий таъсирини ўтказиб келар эди.

XV асрда феодал ҳукмронлиги анча мавқеини мустаҳкамлаб олган бўлишига қарамай, халқнинг антифеодал кураши тинимсиз давом этди. 1467 йилда Хамген провинциясида деҳқонлар қўзғолони 4 ой давом этган бўлса, Сеулда барча хизматкорлар ўз хўжайинларининг зулмига қарши бош кўтардилар. XVI асрга келиб Хванхэ, Кенги ва Кореянинг жанубий

қисмидаги бошқа провинцияларда бўлиб ўтган тинимсиз халқ қўзғолонлари ҳукуматни анча заифлашувига сабаб бўлди.

Бир томондан халқ қўзғолонлари, иккинчи томондан, мулкдорларнинг ўзаро низо ва келишмовчиликлари ҳукумат қудратини тобора емирмоқда эди. Шундай қалтис бир вазиятга қарамасдан корейс халқи 1592 йилда бошланган ва етти йил давом этган япон агрессорлари билан бўлган Имчжин ватан урушида душман устидан ғалаб қозона олди ва миллат шаънини муносиб ҳимоя қилди.

Ли сулоласи ҳукмронлиги даврининг кеч босқичи XVII ва XVIII асрлардан XIX асрнинг 60 йилларигача бўлган даврни қамраб олади.

XVII асрда корейс халқи 2 маротаба цинлар ҳужумини қайтариб, япон самурайларидан Корея ҳудудининг ажралмас қисми ҳисобланган Уллин ва Ток ороллари ҳимоя қилди.

Халқнинг заҳмати ва бетиним меҳнати туфайли ишлаб чиқариш тикланди, пул-товар алмашинуви кенг йўлга қўйилди. XVIII асрга келиб тоғ саноати ва ҳунармандчилик соҳасида капиталистик муносабатлар ривожланди. Пул муносабатларидан фойдаланган мулкдорлар, амалдорлар деҳқонларни икки, уч баробар ортиқ зулмга гирифтор қилдилар. Бу эса ўз навбатида халқ қўзғолонларининг кучайишига туртки бўлди. XIX аср бошларида Пхеньян провинциясида деҳқонлар уруши бошланди ва феодал тизимига жиддий зарба берди.

Бу даврга келиб феодал тузумнинг ичидан емирилиши анча кучайган эди. Бунга сабаб католицизм ва XIX асрнинг бошларидан 60 йил мобайнида ҳукуматни суистеъмол қилиб келаётган андонлик Кимлар ҳукмронлигининг ҳаддан ташқари кучайганлиги эди.

XVII –XIX аср ўрталаридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва феодал тузумининг инқирози натижаси ўлароқ янги идеологик тамойил “сирхак мактаби” (реал фанлар учун ҳаракат) пайдо бўлди ва раванқ топди.

Ли сулоласининг сўнгги даври 1860-йилларга тўғри келади ва замонавий Корея тарихига оид ҳисобланади.

Миллий маданият. Кўп асрлик Корея тарихи – бу, энг аввало, ноёб миллий маданият тарихини яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Корея маданияти қадимий ва бетакрор бўлиши билан бирга, корейс анъаналарининг осие минтақасидаги давлатлар маданияти билан муштарак ва уйғун жиҳатларини инкор этиб бўлмайди. Корейс халқи дунёқарашининг шаклланишида хитой маданияти кучли таъсир ўтказганлиги ҳам эътироф этилади. Мусиқа, рассомчилик ва архитектура асосида Хитойнинг қадимий анъаналари ётади.

Асрлар мобайнида корейс тили халқ сўзлашув тили бўлиб келди ва XV асрнинг ўрталарига қадар ўз ёзувига эга эмас эди. Расмий ёзма адабий тил сифатида “ханмун”⁴ эътироф этилиб, бу тил хитой ёзма тили “вэньян”⁵нинг тахрир қилинган шаклидир. Буларнинг барчаси ўз навбатида миллий адабиётнинг шаклланишида ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Ханмундаги адабиёт феодал даври Корея зиёли қатламининг мулки бўлиб, ундан жуда катта адабий мерос қолди. Ўрта асрларда “иккинчи даражали”, эътиборга лойиқ эмас деб ҳисобланган она тилидаги адабиёт адади жиҳатидан ҳам, жанр жиҳатидан ҳам унчалик турли-туман эмас эди.

XV аср Корея тарихида икки муҳим воқеа содир бўлди: 1) 1403 йилда дунёда биринчи бўлиб китоб чоп этиш учун **металл шриф**т ихтиро қилинди; 2) 1443 йилда ўзига хос, оригинал “**хангил**” корейс миллий ёзуви яратилди.

Бу эса ўз навбатида XIV—XVI асрларга келиб корейс шеърляти ва насрида шаклан ва мазмунан ўтган асрлардагидан фарқ қилувчи янги жанрларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

⁴ Ханмун ёзма адабий услуб.

⁵ Вэньян қадимий Хитой ёзма адабий услуби.

Карманная Энциклопедии Республика Корея - сост. С.В. Волков, Т.М. Симбирцева - М.: ИД "Муравей-Гайд", 2000, 1996 - стр.441-456.

Миллий ёзувдан асосан хитой тилидан таржима қилинган конфуций ва будда қонунларини, корейс шоирларининг шеърларини чоп этишда фойдаланилган. Шундай асарлардан бири “Осмонда парвоз қилаётган аждархога бағишлов” номли асар бўлиб, у қирол Сежон (1419—1450) буйруғига бинон бир неча муаллифлар томонидан яратилган. Асарда **она тилидаги шеъриятни яратиш тўғрисида қайғуриш ва ватанпарварлик** мавзуси бош планга чиққан.

Худди шу кайфият ҳарбий шоирлар Ким Жонсо (김 종서) (1390—1453) ва Нам И(남이) (1441—1468) ларнинг сижоларида ҳам кузатилади. Уларнинг сижоларида асосий ўринни қатъий ишонч мавзуси эгаллайди. Бу Корея маданияти катта рол ўйнаган анъанавий конфуций ғоялари билан боғлиқдир. Бу мавзунинг асосий ўрин эгаллаши бежиз эмас. Ишончга садоқатли бўлиш, ҳукмдорга садоқатли бўлиш ёки ўз ваъдасига вафо қилмаган ҳукмдорга хизмат қилишдан бош тортиш ҳолатларида яққол кўзга ташланди. Мавзунинг долзарблиги 1456 йилда қирол Танжоннинг мағлуб этилиши ва Сежонинг ғалаба қозониши воқеаларидан сўнг янада ортди. Бу воқеалар XV аср шоирлари Вон Чхонсок (원천석), Сон Саммун (성삼문), Ли Гэ (이개), Ю Инбулар (유응부) шеъриятида ўз аксини топди.

Хитой адабий жанрлар тизими доирасида ривожланган ханмундаги шеъриятдан фарқли ўлароқ, она тилидаги шеърият ўзига хос корейс адабий жанрларидан иборат. XV—XVI асрларда она тилидаги шеъриятнинг янги **жанрлари – сижо, каса, чан-сижо вужудга келди**. Уларда корейс шоирлари ўз эътиқодларига собитлик ғояларини образли ифодалашга интилганлар. Масалан, етук олим, корейс ёзувчининг яратувчиларидан бири, кейинчалик қирол Сежонинг буйруғи билан қатл қилинган Сон Саммун (성삼문) қуйидаги мисралари фикримизга далилдир:

Ўлимимдан сўнг мени

이 몸이 주거 가서 무어시 될고 하니

<i>ким бўлишимни сўрасанг</i>	봉래산(蓬萊山) 제일봉(第一峯)에
<i>Пэнлай қоясидаги виқорли</i>	낙락장송(落落長松) 되야 이서
<i>қарагай – деб жавоб бераман</i>	백설(白雪)이 만건곤(滿乾坤)
<i>Майли бутун олам қорга кўмилсин</i>	할 제 독야청청(獨也靑靑) 하리라 ⁶

Биргина мен яшариб тураман.

Ушбу давр корейс шеърятининг асосий хусусиятларидан бири воқелик тасвирининг ўта умумлаштиришдир. Шеърларда асосий эътибор жамиятдан табиатга чекинган, табиат бағридан юпанч излаган ИНСОНга қаратилди. XV аср охири —XVI аср бошлари мамлакатда юқори табақа вакиллари ўртасида ўзаро низоларнинг кучайиши бу давр шеърятида танқидий йўналишнинг ривожланишига олиб келди. Шоирлар ижодида бу низоларни кучли танқид қилиш, ҳукумат бошқарувига ишончсизлик каби мотивлар янграй бошлади. Масалан, Сон Сун (송순) (1493—1592) ва Чон Чхол (정철)(1537—1594) шеъряти бунга мисол бўла олади. Даосизм ва буддизм кайфияти кучайди. “Канхо мунхак” – “дарё ва кўллар шеъряти” номини олган табиат лирикаси равнақ топди. Ли Хёнбо(이현 배) (1467—1555), Ли Хван (이 환) (1501—1570), Ли И (이이) (1536—1584) ва бошқалар. Шунингдек, кўплаб муаллифи кўрсатилмаган (аноним) шеърлар пайдо бўлди. Бу шеърларда шоирнинг табиат бағрига - узлатга чекиниши, унинг дўстлари— оқ қарқара, оқ чағалай, ой ва шамол эканлиги куйланди.

Табиат лирикасида ҳам, конфуций ғоялари асосида яратилган шеърларда ҳам асосан воқеликни умумлаштириб тасвирлаш, шартлилик тамойиллари сезилади. Масалан, шоир Пак Иннонинг «Тор кўча» ва «Ноге водийси ҳақида кўшиқ» касаларида буни кузатиш мумкин. Бунда “тор кўча” шоирнинг камтарона узлатдаги ҳаёти рамзи бўлса, Ноге — Пак Инно ватанидаги гўзал водийнинг номи, шоир бу номни ўзининг адабий тахаллусига айлантиради.

⁶ 권오석. «시조를 찾아서». 서울. 대일출판사-1993. 51 쪽.

Юртининг гўзалликларини тараннум этишда шоир Чон Чхол (XVI в.) йўлидан боради. Касада табиат билан уйғунлашиш қувончи, борлиққа сингиш каби ғоялар тараннум этилади. Пак Инно (박인로) ижодий услубининг Чон Чхолдан (정철) кескин ажратиб турувчи жиҳатлар ҳам бор: Пак Иннода табиат нисбатан сокин, ҳаётбахш, бўҳронлардан ҳоли тарзда тасвирланади.

“낙대를 비끼 주고 조월탄(釣月灘) 바로 내려

붉은 여뀌 헤쳐내고 달 아래 앉았으니

아무리 동강흥미(桐江興味)인들 부릴 줄이 있으랴.

격진령(隔塵嶺) 하 높으니 홍진(紅塵)이 멀어 간다.

가득이 먹은 귀 씻을수록 먹어가니

산 밖의 시시비비(是是非非)를 듣도 보도 못하도다.

강상산(江上山) 내린 끝에 술 아래 넓은 돌에

취람(翠嵐) 단하(丹霞)가 첩첩히 둘렀으니

어즈버 운무병풍(雲霧屏風)을 갓 그린 듯하여라.”⁷

(Балиқ) Овлашдан тўхтадим. Атрофда санғийман

Сувга эгилганимча тубга боқаман

Булутлар сояси ва кўкнинг сиймоси

Сувда гўё балиқ сингари сузиб юрибди

Шундан кўлда ўйноқлаган балиқча гўё

Булут ва кўкнинг устида сузаётгандек

Бироқ сесканиб бошимни кўтардим ва кўрдим,

Кўкдаги осмон ва тубдаги осмон

ўша, ўша... ҳаммаси бир хил...

⁷ <http://blog.naver.com/PostView>

“Ноге водийси ҳақида қўшиқ” да анъанавий май мавзуси куйланади. Бунда май рамзи шоирнинг олам билан уйғунлашувни ҳис қилишда кўмаклашиш воситаси вазифасини ўтади.

1.2. Сижо жанридаги шеърятининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари

Сијо (시조) – корейс тилида яратилган илк янги поэтик жанрлардан бири бўлиб, ушбу жанр ҳақидаги дастлабки тушунчалар XVIII асрда яратилган баёзларда учрайди. XV – XVIII асрларда сијо жуда кенг тарқалди. Сижонинг шаклланишида катта таъсир ўтказган омиллардан бири сифатида XI аср конфуций роҳиблари эътироф этилса-да, бироқ унинг илдизлари нисбатан илгарироқ пайдо бўлган корейс шеърининг шакллари, хусусан, *хянга* (향가)га бориб тақалади. Сижо атамасининг аниқ маъноси тушунарсиз. Баъзи бир тадқиқотчилар, бу сўзни “йил фасллари қўшиқлари” деб таржима қилишса, бошқалари “замонавий тароналар” тарзида талқин қиладилар. Бу жанрга баъзан ҳозирги замон шоирлари ҳам мурожаат қиладилар. Бизга қадар 2 мингга яқин сијо сақланиб қолган.

Сижолар тузилишига кўра ўн мисрали хянгани эслатади: унинг уч бандли тузилишини такрорлайди, учинчи – якунловчи қисмга, яъни шеърнинг оҳангига алоҳида катта эътибор берилади⁸. Сижо жанридаги шеърнинг асосий хусусияти – унинг ўта қатъий вазн тузилиши эга эканлигидир. Сижонинг ҳар бир мисраси 14-16 бўғиндан, ҳар бир банди 3 мисра, жами 44-46 бўғиндан ташкил топган. Сижонинг ҳар бир мисраси 2 мустақил туроқдан иборат. Биринчи икки мисраси мавзу жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ: биринчи мисра бирор муаммо ёки мавзуни ўртага ташласа (бу одатда савол шаклида бўлади), иккинчи мисрада вазият ривожини келтирилади. Учинчи мисра қоида бўйича ечим вазифасини ўтайди. Ушбу мисрда бутун

⁸ Ким В.Н., Саидазимова У.Т., Пак И.Л. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. Тошкент, 2010, 82-бет

шеърнинг леймотиви ифодаланиб, ёдда қоларли хотимани таъминлайди. Сижода қофия бўлмаслиги мумкин, бироқ у албатта мусиқа жўрлигида айтилган.

Сижо шеър қурилишининг бир неча тури бор. Асосийси *пхён-сижо* (평시조), яъни, 3 мисрали шеър бўлиб, ўртача ўлчови – 44-46 бўғиндан иборат. Композиция жиҳатдан яна бир тури *ос-сижо* (엇시조, «мавзу жиҳатдан бирлаштирилган туркум сижо») ва *сосол-сижо* (사설시조, «воқеий сижо»)лар мавжуд бўлиб, булар одатда *чан-сижо* (장시조, «узун сижо») ягона ном билан юритилади. Буларнинг шакллари бир оз эркин: икки ва уч туроқли ярим мисраларнинг эркин алмашиши ҳисобига мисра узунлигининг ортиши, уч аъзоли структуранинг синишига олиб келади. Чан-сижо бир неча уч мисрали бандлардан иборат бўлиши мумкин. Чан-сижода туроқларнинг бу тарзда тебраниши пхён-сижода ҳам учрайди.

Қоидага кўра, сижолар ифодали ўқилмаган, балки мусиқа асбоблари жўрлигида куйга солиниб айтилган. Шу сабабли ушбу шеърлар намоиш этилишига қараб ҳам таснифланган – улар ёки баланд овозда бақириб айтилган, ёки қўшиқ қилиб куйланган. Бундан ташқари, сижолар муסיқийлиги ва мусиқа темпи жиҳатдан ҳам фарқланган.

Классик сижо мисраси икки ярим мисрадан иборат бўлса, чан сижо мисраси ярим мисраларнинг бирон бир муайян миқдори билан чекланмайди. Уч ва икки туроқли ярим мисралар ўрни чан сижода олдиндан белгиланмайди. Ярим мисралар чегараси чан сижода ҳам сижодаги каби аниқ белгиланади. Туроқдаги классик сижога берилган тавсиф чан сижо учун ҳам қўлланилиши мумкин.

XVII асрда корея шеърлятида янги ҳодиса ҳисобланган жараён— чан-сижо (узун сижо)нинг пайдо бўлишидир. Бу бир неча шеърый шаклларнинг умумий номи бўлиб, унинг асосида сижоларнинг ўлчов тизими ётади. Бу жанрда яратилган асарлар муаллифларининг дунёни аниқ тасвирлашга

интилиши билан таснифланади. Корейс пейзаж лирикасидан фарқли ўлароқ, узун сижода табиат яхлит ва ягона ҳодиса сифатида тавсифланмайди. Умуман олганда, соф пейзаж лирикасига бағишланган сижолар жуда кам сақланиб қолган. Оламнинг абадийлиги ва чексизлигидан баҳс этувчи тоғлар, дарёлар ва кўлларнинг кенг тасвири йўқолди. Эндиликда табиат нафақат гўзал, балки амалий аҳаиятга ҳам эга. Инсон ўзига бевосита яқин бўлган нарсаларни тасвирлайди. Турли ҳашоратлар, ўсимликлар, балиқлар ва ҳоказолар санаб ўтилган шеърлар яратилди. Бир қарашда шеърлар ортиқчадай бўлиб туюлган мазкур тафсилотлар кўпинча ижтимоий танқид вазифасига бўйсундирилди:

Айтинг, дўстлар, бу дунёда қандай яшайин,
Ахир ҳамма ерни қонхўрлар босиб ётибди-ку?
Йирик битлар – катталиги арпа донидек,
Майда битлар – катталиги тарик донидек,
Жажжи битлар – уларни кўз ҳам кўрмайди,
Янги қонга тўйган бургалар,
Ва қонсиз озиб қолган бургалар,
Комунгога ўхшаш тахтаканлар,
Чивинлар ва сўналар, каналар ва арилар,
Сон-саноқсиз сувараклар – қора, сарик, қизғиш,
Ҳар хил кўнғизлар, кўнғизчалар, зулуклар,
Ва узунёқ искабтопарлар,
Калтаоёқ майда чивинлар ва москитлар ва москитлар галалари,
Айримлари – қонга тўйган, айримлари – оч!
Кечаси-ю кундузи қийнайди ва қийнайди!
Бири чақади, бири ниш санчади, бир қон сўради
Ва ҳар бири инсон қонига ташна!⁹

⁹ Чан сижода оид маълумотлар ва мисоллар “Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. Корея” ўқув қўлланмаси ва интернет материалларидан олинди.

Шу билан бир вақтда шеъриятда инсон типларининг ранг - баранглигини тасвирлашга интилиш ҳам пайдо бўлади:

Аёллар нақадар бир-бирига ўхшамайди!
Бири лочинни эслатади,
Бошқа бири – томда қалдирғоч каби ўтиради
Бири – гуллар ва гиёҳлар орасидаги турна,
Бошқа бири – ложувард тўлқинда сузаётган ўрдак,
Бири – осмонда чарх ураётган бургут,
Бошқа бири – чириган тўнка устида ўтирган бойўғли каби.
Ҳар бирининг ўз севиқли ёри бор,
Уларнинг ҳар бири ким учундир гўзал.

Шу вақтгача корейс шеъриятида аёл гўзаллиги асосан хитой адабиётидан ўзлаштирилган “нефрит қиёфа”, “оппоқ юзли”, “подшоликларни маҳв этувчи гўзаллик” каби шеърий образлар ёрдамида тасвирланар эди. Индивидуал гўзаллик тўғрисидаги масала умуман кўтарилмаган эди. Келтирилган шеърда эса деярли ҳар бир аёл учун ўзига хос бўлган анъанавий адабий ўхшатиш топилган. Аммо уларни солиштириш аёллар чиндан ҳам бир-бирига ўхшамаслиги, уларнинг ҳар бири ўзича бетакрорлиги ва айна шу жиҳатдан жозибали эканлигига ишонч ҳосил қилиш имкониятини беради.

Узун сижоларда анъанавий образ ўзгача мазмун касб этади. Умуман гўзал аёл тимсоли – “томда ўтирган қалдирғоч” бу ерда гўзалликнинг маълум типинигина англатади. Шартлилик даражаси ҳам ўзгаради: умумий шартлиликдан хусусий шартлиликка ўтилади. Шеъриятнинг конкретликка бўлган қизиқиш аниқ намоён бўлади, лекин бу қизиқиш ҳали мутлақ ва доим ҳам изчил эмас.

Узун сижо пайдо бўлиши билан дунёнинг шеърий концепцияси (инсон ва коинот алоқасининг хусусияти)гина эмас, балки шеърият субъекти ҳам ўзгарди. Масалан, XV—XVI асрлар пейзаж лирикасида одамзод инсоний

муносабатлар соҳасидан ажралиб олинган ва табиат билан бирикишга бурчли бўлган қандайдир моҳият, ижтимоий номуайян бирлик сифатида тасвирланса, узун сижода инсон конкрет ижтимоий-маиший муҳит вакили сифатида амал қилади.

Чан сижо марказида инсон ва унинг бошқа одамлар билан кундалик муносабатлари туради Шу туфайли ҳам диалог улкан рол ўйнай бошлайди, шеърятга одатдаги сўзлашув тили кириб келади:

- Хўжайин, қисқичбақа сотиб олинг!
- -Ҳай савдогар, нима деб бақираяпсан?
- Сиртда – суяк, ичда – гўшт, икки кўз осмонга қараб турибди.

Икки катта қўл ушлаб олиши ва қўйиб юбориши мумкин,

Кичик қўллар уни олдинга ва орқага туртади.

Қизил соя қайласи остида,

Яшил қайла остида – қисқичбақа сотиб олинг

Ҳой, бақирини бас қил, мен уларни сотиб оламан.

Узун сижода муҳим ўринни сатира воситасида очиб берилган ижтимоий тенгсизлик мавзуси эгаллайди. Оддий меҳнаткаш инсон тилидан саройдаги гуруҳларнинг ўзаро низолари ва будда роҳиблари ҳам аччиқ кулги остига олинади. Бу ердаги кучли ҳокимият – паразит ҳашоратлар, гўнг титувчи кўнғизлар. Агар XVI аср шеърлари гуруҳлар ўртасидаги ўзаро низолар, қора қузғуннинг оқ турна (одатда гуруҳлар жанги туфайли азият чеккан муаллиф ўзини оқ турнага ўхшатади)га қарши ҳамласи тасвирланган бўлса, узун сижолардаги қаҳрамонларнинг ҳаммаси қора қузғунларга ўхшатилади. Ва уларнинг жангида ким яхши-ю, ким ёмон ажратиб бўлмайди. Шеърятда “ерга тушиш” ҳолати, демократлашув ҳодисаси кузатилади.

Узун сижолар мисолида корейс адабиётида янги услубий тизимнинг туғилиши кузатилади. Шу билан бирга шеърятда анъанавий қадимги услуб ҳам сақланиб турди.

Чан сижода сўзлашув элементининг салмоғи ошади. Айни ҳол шеърлар композициясида ҳам намоён бўлади: аксарият шеърлар диалог шаклига эга. Ваҳоланки, диалог сижода камдан кам кузатилади.

Миллий образлиликка мурожаат этиш билан бир қаторда, чан сижода турмушни юзаки тавсифлашга мойиллик ва шу билан бирга шеърдаги образга бўлган муносабатни ўзгартириш, унга теран кириш, уни ичдан ёритишга интилиш ҳам кузатилади.

Чан сижода умумий тасвир ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, чунки чан сижони предмет тавсифидаги “умумийлик” эмас, балки “индивидуаллик”: предметнинг хусусиятлари, унинг хоссаларининг бетакрорлиги қизиқтиради. Чан сижода предмет серқирра ва шу боис унга ҳар сафар предметнинг мазкур бетакрор вазиятда намоён бўлган хусусиятларини акс эттирувчи тавсифи зарур. Шу туфайли ҳам классик сижо хитой адабиётидан ўзлаштирган бадий ифода воситалари тизими, хитой шеърляти классикларининг шеърларидан иқтибослар ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотиб, ўрнини ҳаётда, турмушда кузатиладиган образлар эгаллади.

Биринчи бобдан хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, XV-XVI асрлар корей адабиёти, хусусан, шеърляти ривожига мамлакатда содир бўлган ижтимоий иқтисодий ва маданий ўзгаришлар мисли кўрилмаган тарзда таъсир ўтказди. Айниқса, металл шрифтнинг ихтиро қилиниши ва корейс миллий ёзувчининг пайдо бўлиши бу жараёнда салмоқли ўрин эгаллади. Асрлар мобайнида хитой маданияти, адабиёти таъсирида бўлган корейс адабиётда янги шеърӣ шакллар, янги мавзулар, янги образлар тизими, бадий тасвир воситалари кириб келди. Адабиётда демократиялашиш ҳодисаси кузатилди, танқидий руҳ кучайди, тасвирда умумийликдан хусусийликка ўтиш кузатилди. Сижо, сосол сижо, оссижо, чан сижо сингари

шеърий шакллар қарор топди. Уларнинг ўзига хос сюжет ва қомпозицион қуруми шаклланди.

2 БОБ. СИЖО ШЕЪРИЯТИДА РАМЗИЙЛИК

2.1. Сижо жанридаги шеърларнинг мавзу кўлами

Сиждоларнинг мавзу кўлами ҳам ниҳоятда кенг. Чунки аксарият шеърлар бадиҳа тарзида, ҳеч қандай тайёргарлик кўрилмасдан ижод қилинган. XV – XVI асрнинг бошлари корейс шеъриятининг асосий мавзулари: ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчликни сақлаш, янги сулолани қўллаб-қувватлаш, эскисини танқид қилиш кабилардан иборат бўлган. Ким Чон Со (김중서), Чон То Чжон (정도전), Ли Чи Ван (이치완) сингари сиждада қалам тебратган аксарят шоирлар йирик ҳарбий ёки давлат арбоблари бўлишган. XVI – XVII аср бошларида ҳукуматдан афсаласи пир бўлган шоирларнинг кайфияти уларнинг табиат лирикасига мурожаатида кузатилади. “Кўл мактаби” шоирлари ҳукуматни, мансабни, унвонларни, бойликни рад қилиб, оддийликка интилишга ундаганлар. Бу йўналиш намояндалари ичида айниқса, Юн Сон До (윤선도) ва Ли Хванлар (이항) катта шуҳрат қозонишган.

XV аср корейс шеърияти **ишқ муҳаббат** мавзуси ривожланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конфуций таълимоти нуқтаи назаридан тақиқланган ушбу мавзу, *квандэ* (광대) - актёр-кўшиқчи ва гейша *кисэн* (기생) лар поэтик ижодидан кенг ўрин олди. Уларнинг шеърларида асосий диққат эътибор оддий инсоний туйғулар, уларнинг қайғу ва шодликлари куйланар эди.

Сиждо жанрига **ишқ муҳаббат** мавзусини олиб кирган шоира, *кисэн* Хван Джини¹⁰ бўлиб, у ўзининг ҳусну таровати, ўткир зеҳни ва ақли билан ном чиқарган.

¹⁰ Хван Джини(1506—1544)- таҳаллуси Мёнволь. Кесон шаҳрининг кисени еди.

Сижо шеърлятида **ватанпарварлик мавзуси** ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ким Санхон (김 상헌) (1570-1652), Ли Сунсин (이순신) (1544-1598) ва бошқа кўплаб шоирлар ижоди ватанпарварлик мавзуси тараннум этилган.

XVIII асрда сижолардан баёзлар тузиш анъанаси бошланди. Илк йирик баёз «Чхонгу ёнон» («Яшил тоғлар мамлакатининг унитилмас сўзлари») шоир Ким Чхонтхэком(김 전태검) томонидан тузилган бўлиб, 1727 йилда нашр этилган. Иккинчиси, «Хэдон гае» («Денгиздан шарққа қараган мамлакат қўшиғи») шоир Ким Су Чжан(김수장) томонидан 1763 йилда тузилган. Ушбу баёзларда барча ўтган даврлардаги сижолар жамланган.

Сижо шеърляти фольклор адабиётининг энг илғор анъаналарини ўзида мужассам этган. Халқ қўшиқлари элементларидан бадий тасвир воситалари сифатида ва сижоларнинг композициясида жуда кенг қўлланилган. Хусусан, биринчи мисрада мурожаат ва такрорларнинг келиши, учинчи мисрада ундовларнинг келтирилиши кабилар фикримизнинг исботидир. Иероглифлардаги шеърлятнинг таъсири эса кўпроқ сюжетларни танлашда, хитой адабиётидан шеърлий мотив ва поэтик образларни саралаб олинишида кузатилади.

Сижони кўп ҳолларда япон шеърлий жанри “хайку” ёки “хокку” билан қиёслашади. Бу икки жанрда яратилган асарлар рамзларга бойлиги, табиатга катта эътибор қаратилиши билан бир-бирига ҳамоҳанг. **Бирок сижонинг “хайку”дан асосий фарқи унда истиоралар: метафора, сўз ўйини, аллюзиядан кенг фойдаланилишидир.** Бундан ташқари, сижода товушлар ўйинидан ҳам фойдаланилади. Шунингдек, ранглар ҳам катта рол ўйнайди. Сижода яшил, оқ ва мовий ранглар энг кўп қўлланилади. Ушбу ранглар идеал, мамнун ҳолат рамзини ифодалайди. Бошқа рамзлар билан биргаликда бу ранглар қўшимча маънога эга бўлади. Масалан, оқлик, оқ ранг ва ой нури ёлғизлик тимсолидир.

О, яшил ўтлоқлар тагидан чопаётган мағрур булоқча,
Шошилма, кўкка боқ – ой бугун мўъжизакор нурли
Ахир денгизга етиб борсанг – қайтишинг гумон

단 한 번 눈길조차 주지 않던 자적이여

굽혔던 허릴 펴고 먼 산빛 바라보던 너

바다는 바다가 싫어 자꾸만 부서진다¹¹

Ёки:

О, менинг зангор тоғлардаги мовий булоқчам

Осонлик-ла оққанингдан мағрурланма

Кимки, бепоён денгизга тушса

Билгил, орқага қайтининг иложи йўқдир

Тоғларни нурли ой шуъласи чулғаган

Бир пас тингин, хохлайсанми булоқчам

Юн Сон До (윤선도) қаламига мансуб сижо:

내 벗이 몇이나 하니 수석과 송죽이라

동산에 달 오르니 그 더욱 반갑고야

두어라 이 다섯 밧기 또 더하야 머엇하리.¹²

Дўстдир менга: Зангор бамбук, дарё ва карағай.

Ой чиққанда бахтлиман мен янада.

Ва ишонинг, ортиқ дўстнинг кераги йўқдир менга

Табиат тасвирига энг аввало сижо жанрида ижод қилганлар мурожаат қилишган. Пейзаж тасвирининг моҳир устаси хисобланган шундай шоирлардан бири машҳур давлат арбоби Син Хим (신흥) (1566—1628)ди

¹¹ <http://www.sijomunhak.com>

¹² 권오석, «시조를 찾아서». 서울, 대일출판사-1993. 138 쪽.

산촌에 눈이 오니 돌길이 묻혔세라
시비를 열지 마라 날 찾을 이 누 있으리
밤중만 일편명월이 귀 벗인가 하노라¹³

Эшитдим – тунда шарос ёмғир шовқин солди
Чикдим – анор гуллари очилибди
Нилуфарли ҳовуз узра эгилган
Шохларда биллур томчилар товланади
Қайғули ўйлардан асар қолмади
Ғам-ҳасрат чекинди дил равшан тортди.

«Дарё ва қўллар» шеъриятида ижод қилган шоирлар орасида Ким Гванук (김 광옥) (1579—1656) ҳам алоҳида эътироф этилади.

Бироқ, корейс шеъриятида Юн Сондо (윤선도) (1587—1671) табиат лирикаси ва сижонинг бетакрор ижодкори сифатида тан олинади. Унинг ижодида қадимги корейс шеърияти (хянга) ва жонли халқ қўшиқчилиги, хитой мумтоз лирикаси ва янги давр шеър хусусиятлари уйғунлашган. Унинг қиркта сижо жамланган “Балиқчининг йил фасллари” туркуми танқидчилар томонидан юқори баҳоланади. Туркумдан парча:

Куёш жазирама нурини ёғдиради,
Дарёдаги сув гўё ёғ мисол.
Ўша ёққа эшкак эш, эшакак эш, балиқчи!
Нима ҳам қилдим бир жойда туриб
Ҳамма жойда балиқ тутаман
Сен эса, эшилгин эшкагим, эшилгин!
Бироқ тоза “Цанлан суви”
Эсладим – ва тамоман балиқ ҳақида унутдим.

¹³ <http://daum.net>

Аср ўрталарига келиб **ватанпарварлик мавзуси** яна долзарб мавзулардан бирига айланади. Бу пайтда у, энг аввало, васалларга садоқатли бўлиш бурчи тўғрисидаги конфуцийлик қараши сифатида намоён бўлди. Айниқса, маньжурлар билан тинчлик тарафдорларига қарши рухдаги шоирларнинг шеърлари кенг эътироф этилди. Улар ўз шеърларида таназзулга юз тутган мин сулолаларига садоқатли бўлиш хитоблари билан чиқдилар. Бундай шоирлар сирасига Хон Икхан (홍익한) (1586—1637), Ли Мёнхан (이면한) (1595—1645) ва Ким Санхон (김상헌) (1570—1652)ларни киритиш мумкин:

Шоуян тоғларидан тушувчи сувлар	수양산 나린 물이
Бо-и ва Шу цининг ғамгин ёшлари	이제에 워루되야
Туну кун, сира тиним билмасдан	주야불식하고
Ҳасрат чекиб бугунга қадар,	여홀여홀 우는 뜻은
Улар ҳамон давлатга	지금은 위국충성을
Садоқат ҳақида куйлар	못내 슬허하노라. ¹⁴

Хон Икханнинг ушбу шеъри XV аср шоири Сон Саммуна «Шоуян тоғи га боқаман...» деб номланувчи сижосига ҳамоханг бўлиб, унда ҳам умумлашма образларда XV—XVI асрларда кенг тарқалган мин сулоласига садоқат мавзуси кўтарилган.

Корейс шоирлари шунингдек, тан даври шеърияти ижодкорлари Ли Бо, Ду Фу шеърларига ҳам мурожаат қилишган. Худди XII—XIII асрларда бўлганидек, Тао Юань-мин ижодига катта эътибор қаратилган. Идеал олам билан тасвирларда поэтик образлилик ижодий ўзлаштирилганлиги кузатилади. XVI аср шоири Хон Чхунгённинг қуйидаги сижоси фикримиз исботидир:

¹⁴ 권오석. «시조를 찾아서». 서울. 대일출판사-1993. 136 쪽.

Марваридли пардани ярмигача кўтараман ва	오라고 돌아가마고
Пастга, мовий денгизга қарайман	수도 없이 한 약속을
Минг ли кенгликдаги тўлқинлар жилваси	접어선 다시 펴고
Чексиз осмон ранги билан ҳамранг	다시 펴서 접는 사이
Сув узра жуфт-жуфт оқ чайкалар	갈매기 제 먼저 끼룩대며
Гоҳ учиб кетишар, гоҳ учиб келар.	수평선을 넘어간다. ¹⁵

Бу сижода образлар анъанавий шартли бўлиб, шоир балки умри давомида денгизни кўрмаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ у табиат лирикасида аъанавий бўлган машҳур пейзаж тасвирларидан ижодий фойдаланиб табиатга муносабатини тасвирлайди.

Шу билан бир вақтда “расмий доира”дан ташқарида (яъни адабиётда) инсонга эътиборнинг кучайиши корейс тилидаги шеъриятда ишқ муҳаббат мавзусининг ривож топишига туртки берди. Бироқ табиат лирикасида бу тариқа ўзгаришлар жамики шеъриятга шу тариқа таъсир қилди, дея олмаймиз.

2.2. Сижо шеъриятида қушлар рамзининг бадий талқини

Шарқ халқлари адабиётида қуш тимсоли жуда қадимдан кенг қўлланилиб келинади. Шу ўринда қушлар билан боғлиқ баъзи қарашларга тўхталишни жоиз деб биламиз. Зеро, Корея адабиётида, хусусан, сижо шеъриятида қушлар рамзи маъноларини талқин қилиш учун аввало бу маълумотларни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Қуш – руҳнинг тимсоли. Ҳиндуизмда афсонавий қуш Гаруда абадий халос этилган жонга ўхшатилади. Жон – қуш тимсоли Миср, Бобил, Юнонистон асотирларида ривожланган. Миср анъанасида инсон бошли

¹⁵ <http://idrama.us>

кушнинг тасвири – танани ўлимдан сўнг тарк этадиган “ба” (ҳаёт негизи, одатда “жон” тушунчаси билан ўхшатилади, лекин бу бир қадар аниқ эмас) белгисидир. Марказий Осиё халқларида жон кабутар қиёфасида намоён бўлади. Ҳатто мамлакатнинг баъзи жойларида кимнингдир ўлими ҳақида гапирилганда “Фалончи учибди” ибораси ишлатилади. Аждодларимизнинг қадимий қарашларига кўра, одам ўлгандан кейин унинг руҳи кушга, яъни кабутарга айланиб учиб кетар эмиш.

Кабутар – насронийликда Муқаддас Рухнинг кўзга кўринадиган тимсоли; дунё яратилишининг тавсифи дунё тухуми устида айланаётган куш тимсоли сифатида талқин этилиши мумкин. “Минг бир кеча эртакларида” улкан руҳ куши тилга олинади.

Кушлар дунё дарахтининг учида жойлашади ва кўпинча чакмоқчақар маъбуд билан боғланади. Дунё дарахтининг юқори шохларида, тананинг турли томонларида жойлашган икки куш қуёш ва ойни, шунингдек, ҳосилдорлик ва бойликни англатади.

Кушлар у ёки бу маъбудларининг белгилари, муқаддас ҳайвонлари ҳисобланади. Улар икки дунё ўртасидаги боғловчи негиз вазифасини бажаради. Кишилар, қаҳрамонлар ва маъбудларнинг турли кушларга айланиши мавзуси кенг тарқалган.

Кушлар – илоҳий моҳият, эркинлик, илҳом рамзи. Ҳиндуизм анъанасида кушлар мавжудликнинг олий поғоналари рамзидир.

Турли асотирларда улар осмон, қуёш, момақалдирок, шамол билан уйғунлаштирилади. Ведалар даврида қуёш улкан куш – бургут ёки оқкуш кўринишида тасвирланган. Олмон анъанасида ҳам қуёш куши тимсоли учрайди. Бир сўз билан айтганда, турли халқлар маданиятида кушлар турлича талқин қилинади.

1. Корейс шеърлятида ҳам кушлар, парранда ва ҳашоратлар рамзидан фойдаланиш жуда қадимий анъаналардан бири ҳисобланади. Рамзлар сифатида табиатда мавжуд ва мифологик кушлар тимсолидан

фойдаланилган. Анъанага кўра Узоқ Шарқ халқлари адабиётида қушлар рамзи кўпроқ урф-одатлар, диний-мифологик қарашлар, маросимлар билан боғлиқ талқин қилинади. Масалан, **хўроз** – ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш, **лочин, зағизғон, қарға** – аجدодлар тотеми сифатида талқин қилинган. Н.И. Конраднинг “Избранные труды” (литература и театр) асарида ёзишича, қушлар (турна ва қалдирғоч) вахшийлик ва турли хил башоратлар билан боғлиқ.

Корея адабиётида инсоннинг кўлига ўргатилиши қийин бўлган **қарқара** ва **турна** образининг талқини инсонларнинг узоқ кузатишлари натижасида шаклланган.

Турнанинг умумий рамзлари адолат, узоқ умр тушунчалари билан боғланган, шунингдек у тақводор ва меҳр-шавқатли жон мужассамидир. Хитой анъанасида турна – алоҳида ўлмас руҳлар белгиси ҳисобланади.

Қарқаранинг оқ ранги, нафақат балиқлар балки илонлар билан ҳам озикланиши, шунингдек, Ғарбда бу қушнинг абадийлик рамзи ҳисобланиши каби хусусиятлари эътиборга олинган. Шунингдек, қарқара баҳорнинг бетакрор манзарасининг беағи ҳисобланади.

Қарқара – софлик, дунёнинг ифлосликларидан холи бўлиш, оқлик, мусаффолик рамзидир. У оқлиги туфайли ҳам ҳеч ким унга даҳл қилишини хоҳламайди, ҳатто бу дунёнинг чанг-у ғуборларини ювувчи “кўм-кўк” денгиз суви ҳам унга даҳл қилишини хоҳламайди. Масалан, “Қордаги бамбук” тўпламига киритилган сижолардан бирига мурожаат қилсак:

“Қора зоғчалар айланган жойга

Сен оқ қарқара асло тушмагин!

Қаҳрга тўлган қузғун бир гала

Сенинг соф рангингга хасад қилмасин”¹⁶

¹⁶ Бамбук в снегу. 1978, 44 стр.

XVII аср шоирларидан Ким Гванук (김광옥) шеърида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади:

어와 저 백구야 모습 수고 하는순다
갈숲으로 바자니며 고기 찢기 하는고야
날같이 군마음없이 잠만 들면 엇더리.
대막대 너를 보니 유신하도 반갑괴야
나니 아훗 적의 너를 타고 다니더니
이제란 창 뒤에 섰다가 날 뒤세고 다녀라.¹⁷
Ёлғизгина оқ қарқара, турибсан
Соҳилдаги оқ қумликларда
Биламан мен: фақат сен билан мен
Бўлиша олардим кўнглимдаги хаёлларимни.
Чанг-гўзон гирдоби сен-ла бирга бўлсам писандмас
Ва орамизда фарқ қолмайди.

Ким Гванукнинг шеърини аноним шеър билан солиштирамиз:

Қумли соҳилларда
Сакраётган оқ қарқаралар
Наҳот ҳамон еб тўймадингиз, Нега ҳамон бўйин суқасиз?
Гар мен (сиздек) эркин бўлганимда
Мен овқат ейишдан тўхтардим!

Гўё ҳаммаси танишдек: ўша табиат мотиви, ўша оқ қарқара. Бироқ улар ўртасида фарқ ҳам кўзга ташланади. Корейс шеъриятида оқ қарқара ёки “оқ қумликларда муқим туради” ёки вақти-вақти билан учиб келиб-кетиб туради. Юқоридаги шеърда оқ қарқара билан бир нечта ҳаракат боғлиқ. Бу ҳаракатлар анъанавий поэтик тасвирлардагидек эмас, балки кундалик, одатий

¹⁷ 권오석. «시조를 찾아서». 서울. 대일출판사-1993. 134 쪽.

бўлиб қолган ҳаракатлардир. Натижада образ аниқ, ишонарли чиққан. Образнинг анъанавий тасвиридан бу тарзда чекиниш шоирнинг табиатга, атрофдаги оламга муносабати ўзгарганидан далолат беради. У мушоҳада объекти (оқ қарқара) билан ўзини бир хил деб қарамайди, балки ундан ўзини ажратади, алоҳида деб ҳисоблайди. **Табиат олаmidан лирик “мен” ажратилиши, шубҳасиз, давр руҳи ва XVII—XVIII аср адабиётининг муҳим хусусияти бўлиб ҳисобланади.**

Бундан ташқари оқ қарқара кўпгина қадимий корейс аппликациялари ва манзарали расмларида ҳам акс эттирилган. Константин Васильевнинг таъкидлашича, **Кореяга нисбатан “оқ қарқаралар мамлакати”, “оқ турналар юрти”¹⁸ ташбехлари** ҳам ишлатилади. Шунингдек, корейс адабиётида қизларни “оқ қарқара”га ўхшатиш ҳолати ҳам учрайди, масалан: “Дарё бўйидаги оқ қарқара мисоли...”¹⁹

Шеърятда кўп қўлланиладиган қуш рамзларидан яна бири **чағалай (балиқчи қуш)**дир.

Корейс адабиётида **чағалай** – абадий бахт, хотиржамлик ва қувонч ҳукмрон бўлган ўзга оламдан келган вакил сифатида талқин қилинади.

Оқ қанотли балиқчи қуш асло чўчима

Мен фақат билмоқ истайман

Сен учган ўлкалар қайда

Айт қайдан сен эй гўзал хилқат

Сенинг ортингдан ман ҳам бораман

У ерда қувонч ва ором топаман²⁰

Чайка ҳам худди оқ қарқара сингари узлатга **чекинган, қаландар сифат инсонни тушунадиган забонсиз ҳамроҳи** сифатида талқин қилинади:

푸른 비단 펼쳐 놓고 흰 매화를 수놓는다

¹⁸ Константин Васильев, < Горит кленовая листва > 1976, 3 стр.

¹⁹ Бамбук в снегу, 1978, 211

²⁰ Бамбук в снегу. 1978, 120

가을하늘 흰구름 푸른 창공 가르며
정든 땅 리별하고 갈매기 떠나누나
그 언제 다시 오려나 내 사랑 갈매기야
하늘도 가까이 내려흰 파도와 손잡는다²¹

Мовий булоқ ёнида зангори ўтлоқ
Булоқ узра туманда кичкина қишлоқ
Балки сенга аён балиқчи қуш айт,
Деразадан ой мўралаган чоғ
Ичкаридан таралганда каягима
Неларни ўйлайди узлатдаги зот?²²

Зарғалдоқ қуш образи Корея шеърлятида табиатнинг яшариши, энг гўзал фасл ҳисобланган баҳор, сариқ ранг, бахтли никоҳ каби рамзларни англатади:

Гулзор ичра учар икки капалак

Яшил толлар ичра чуғурлар икки зарғалдоқ²³

Насрда эса зарғалдоқ, шошилмайдиган инсонга нисбатан ташбеҳ сиқатида қўлланилади: “зарғалдоққа ўхшаб шошилмайдиган инсон...”²⁴

Зарғалдоқнинг куйлаши аёлнинг овози, қизнинг овозига ташбеҳ қилиниши ҳам кузатилади.

Ғоз Узоқ шарқ халқлари адабиётида асосан тунгги қуш, куз рамзи ҳисобланган.

Хитойда Будда 550чи туғилишида ғоз шаклида келади, деган қараш ҳам бор²⁵.

Кўкда юксак Сомон йўли

²¹ <http://daum.net>

²² Бамбук в снегу, 1978, 77

²³ Бамбук в снегу, 1978, 192

²⁴ Цветы сливы, 1988 й. 111 стр.

²⁵ Кравцова, 1999, 272-273

Қайларгадир учар ёввойи ғоз ғағалаб
Ва шу хотира туни
шаробимни қоплаган қиров
асло эримади
Кўзгуга боқдим: оқ соч,
ажинли юзни кўриш
нақадар қайғули

Ғоз образи кўпроқ тун, тунгги ёлғизлик, айрилик, Ватанни қўмсаш, хат, хабар, ёлғиз ғознинг қичқириғи эса севгилиси билан айрилик сингари рамзларни ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, ёлғиз ғоз қичқириғи ва ғозларнинг жўрликдаги қичқириғи турлича маъноларда қўланилади. Ғозларнинг жўрликдаги қичқириғи тўй-томоша, шодлик, тинчлик рамзларини ифодалайди.

Қалдирғоч. Бу қушнинг диний манбаларда талқини турлича. Буддавийликда қалдирғоч турғунлик, мардлик ва хотиржамликнинг уйғунлашуви тимсолидир. Насронийликда эса, қалдирғоч Исо алайҳиссаломнинг рамзи. Баъзи диний манбаларда қалдирғоч ибодат қилаётган инсон рамзидир.

Славян мифологиясига кўра қалдирғоч келиши баҳорнинг келиши билан боғланган. Бу ҳодиса Хитой ва Кореяда ҳам кузатилади. Март ойида тун билан куннинг тенг келиши қалдирғоч келиши билан белгиланган. Корейс аёллари қалдирғоч шаклида ширинлик ва пишириклар пишириб эшикларининг тепасига илиб қўйишган ва бу баҳор бошланганидан дарак берган. Хитойда хатто қалдирғоч инидан тайёрланган шўрва энг тансиқ таом сифатида тортилган.

Қалдирғоч — баҳор, тонг, тикланиш, умид, дўстлик ва садоқат рамзи сифатида қўлланилади. Хитойда баҳор ва ҳосилдорлик тажассуми сифатида эъзозланган. Уй томлари остига ин соладиган қалдирғочлапр хонадон ўчоғи ва шинамлик рамзига айланган

Хитой ва Кореяда қалдирғоч – капалак, аждарҳо, гул каби “бахтли” тимсоллардан бири ҳисобланади. Кўпгина тақинчоқлар шакли қалдирғоч шаклида ишланган. Шунингдек, Кореяда баҳор байрами Танода арғимчоқ учаётган қизлар қалдирғочга ўхшатишган.

Кореяда кимнинг уйига қалдирғоч ин қурса, шу уйда яқин ўртада тўй бўлишидан нишон берган. Бадиий адабиётда ҳам қалдирғоч тимсоли кенг қўлланилган. Қизларнинг овози қалдирғочнинг чуқурлашига, рақс тушаётганида қўлларининг ҳаракати қалдирғоч қанотларига, қадам ташлаб юришлари қалдирғочникига ўхшатишган. Яна бир қизиқ маълумот шуки, Хан императори Чэн-дининг жорияси, кейинчалик аёли бўлган қизнинг лақаби ҳам “учаётган қалдирғоч” бўлган. Унинг рақс тушаётгандаги енгил ҳаракатлари учун шу лақаб билан чақиришган.

Қалдирғоч сижоларда қизларнинг ташбеҳи сифатида қўлланилган. Масалан:

Аёллар нақадар бир-бирига ўхшамайди!

Бири лочинни эслатади,

Бошқа бири – томда қалдирғоч каби ўтиради

Какку қуш ҳам қадимги шарқ адабиётида кенг қўлланилган рамзий образлардан бири. Узоқ Шарқ халқларида какку “**қайғу ва изтироб**” рамзи бўлиб, унинг овозини мотам тутиб йиғлаётган инсонга қиёслашади. Унинг овозини кўпроқ қабристонда эшитилиши тасвирланади.

Сижолар какку кўпроқ тун билан боғлиқ рамздир.

우는 것이 뼈꾸기나 푸른 것이

버들숲가 어촌 두어 집이

넋속에 들락 나락 말가한

기쁜 소에 온갖 고기 뛰노난다²⁶

Шошилмай арқонларни ўрайман

²⁶ <http://jyosio.com.ne.kr/ggggg/sijo/jayun.htm>

Ва бостирма тагидан ойга бо?аман
Наҳот тун ҳам ўтди сездирмай
Яна бутазордан эшитилди какку овози²⁷

Хитойда какку билан боғлиқ афсона ҳам бор. Ривоят қилишларича, Шу князлиги ҳукмдори Ван-ди нинг юртига Цзин князлиги вакили Кай-мин исмли шахс келиб қолади. Унинг юксак ахлоқини кўриб, Ван-ди ҳокимиятни унга топшириб, ўзи тоғ-у тошларга бош олиб чиқиб кетади ва мусофирчиликда вафот этади. Шунинг учун Хитойда каккунинг бадийи номи “Бужугуй” (Бу жу гу – хитой тилида “Яхшиси қайтсам эди”) деб номланган²⁸. Какку кўпинча ёри ташлаб кетган ёлғиз аёл рамзи сифатида ҳам қўлланилади.

Капалак – жон рамзи. Қадимги Юнонистонда Пахея – жон мужассами – капалак ёки капалак қанотли қуш кўринишида тасвирланган.

Корейс сижоларида капалак – баҳорий табиат рамзидир. Масалан,

산벗나무 꽃그늘 따라와 화사히 눈웃음 짓던 님이여

꽃 진지 언제라고 잡아 매달리는 손 뿌리치는가²⁹

Гуллар ва баҳорий ўт-ўланлар орасида

Шодон учмоқдадир бир жуфт капалак³⁰

Корейс ва хитой адабиётида капалаклар оқ ва сариқ рангларни ифодалайди:

오늘, 비바람에 꺾인 가지 하나 주워 들건만

허탄한 마음만 낮은 하늘가에 걸려 비러이 울고³¹

Шодон қувноқ оқ капалаклар

Гўё гуллар узра қор парчалари³²

²⁷ Бамбук на снегу. 1978, 136 стр.

²⁸ Корейские повести. 1954, 193 стр.

²⁹ <http://blog.naver.com>

³⁰ Бамбук на снегу. 84 стр.

³¹ <http://blog.naver.com>

³² Бамбук в снегу, 1978, 282 стр.

Сиждоларда капалаклар ҳаётдан баҳраманд бўлиш, қувонч ва шодлик рамзи сифатида ҳам қўлланилади:

그 날에 두 손 각지 끼고 볼 비비며 했던 말들은
아직도 밤이면 창유리에 비쳐 날아 내리는데
혹여 내가 먼저 죽고 난 후 님의 침상 머리에
나비 한 마리 날아 왔거든 그마저 쫓지는 말아주오.³³

Яна баҳор иси келган ўша кунларда
Тилларанг капалакка айланишни истайман
Дада ва ўтлоқлар узра учиб
Юзлаб гуллар ифори-ла нафас оламан.
Бу ҳаётнинг барча шодликлари шундадир
Ўхшаши бормикан дунёда бундай лаззатнинг³⁴

Ушбу бобдан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қушлар энг аввало табиатнинг бетакрор гўзаллиги рамзи сифатида, иккинчидан, шоир кайфиятининг ифодачиси сифатида, учинчидан, образли ўхшатишларларда, тўртинчидан йил фасллари рамзи ва, ниҳоят, рангларнинг рамзи сифатида қўлланилар экан.

³³ <http://blog.naver.com/PostView.nhn?blogId=korea1033&logNo=140054320739&redirect>

³⁴ Бамбук в снегу, 1978, 188

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, XV-XVI асрлар орасида Корея давлати ички ва ташқи сиёсатида катта ўзгаришлар юз берди. XIV аср охирида сарой тўнтариши сабабли Ли сулоласи ҳукмронликни қўлга киритди. Бунинг натижасида XV аср Кореяда Ўрта асрлар тарихида энг кучли феодал ҳукмронлиги даври сифатида эътироф этилди. Табиийки, бошқарувдаги ўзгаришлар бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, ҳарбий соҳада, маданиятда, қишлоқ хўжалигида ўзгаришлар юз берди. Айни вақтда астрономия, механика, география, адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлганини кўриш мумкин. Кўп воқеликларни санаб ўтирмай, қуйидаги икки нарсани қайд этишнинг ўзиёқ ўзгаришлар кўламини намоён этишини таъкидламоқчимиз: аввало, 1403 йилда дунёда биринчи бўлиб китоб чоп этиш учун металл шрифт ихтиро қилинди; иккинчидан, 1443 йилда ўзига хос, оригинал “хангил” корейс миллий ёзуви яратилди.

Табиийки, даврда содир бўлган ўзгаришлар адабиётда ўз аксини кўпроқ топди. Тадқиқот ишимиз айнан шу даврда вужудга келган жанрлар хусусида бўлиб, ишимиз ниҳоясида қуйидагиларни умумий хулоса тарзида келтиришимиз мумкин:

1. Миллий ёзувнинг пайдо бўлиши Кореяда адабиётнинг, айниқса, шеъриятнинг ривожланишига туртки бўлди. Ким Жонсо (김중서) (1390—1453) ва Нам И(남이) (1441—1468) кабилар ижоди ўзига хослиги билан тилга тушди. Уларнинг шеърларида қатъий ишонч кўзга ташланиб туради.
2. XIV — XVI асрларга келиб корейс шеърияти ва насрида ўтган асрлардагидан фарқ қилувчи шаклан ва мазмунан янги жанрлар пайдо бўлди. Яъни сижо ва чан сижо вужудга келди. Бу жанрда Вон Чхонсок (원천석), Сон Саммун (성삼문), Ли Гэ (이개), Ю Инбу (유응부) самарали ижод қилди. Сижо жанрининг асосий мавзуи – табиат. Чан сижо жанрининг асосини эса инсон ва унинг кечинмалари ташкил этади. Сижо жанрига мисол тариқасида Сон Саммун (성삼문) нинг қуйидаги мисраларини келтириш мумкин:

Ўлимимдан сўнг менинг	이 몸이 주거 가서 무어시 될고 하니
ким бўлишимни сўрасанг	봉래산(蓬萊山) 제일봉(第一峯)에
Пэнлай қоясидаги виқорли	낙락장송(落落長松) 되야 이서
қарағай – деб жавоб бераман	백설(白雪)이 만건곤(滿乾坤)
Майли бутун олам қорга кўмилсин	할 제 독야청청(獨也靑靑) 하리라.
Биргина мен яшариб тураман.	

3. Сижо жанрининг йўналишини мутахассислар турлича изоҳлайдилар. Баъзи тадқиқотчилар уни “йил фасллари қўшиқлари” деса, бошқалар

замонавий тароналар тарзида талқин қиладилар. Сижо жанрининг ҳар бир мисраси 14-16 бўғиндан, ҳар бир банди 3 мисрадан – жами 44-46 бўғиндан иборат бўлади. Сижонинг биринчи мисрасида бирон бир муаммо ёки мавзу ўртага ташланса, иккинчи мисрада ривожлантирилади. Учинчи мисра эса қоида бўйича ечим вазифасини ўтайди. Сижо жанрида қофия бўлмаслиги мумкин, лекин у мусиқа жўрлигида айтилади.

4. Жанрга илк бор иш-муҳаббат мавзуини кисэн Хван Джини олиб кирган бўлиб, у ўз даврида хусн-таровати билан ном чиқарган. Инсон кечинмалари ёки унинг қайғуси, бахт ва қувончи табиат тимсоллари орқали очиб берилади. **Юн Сон До (윤선도)** қаламига мансуб қуйидаги сижога эътибор беринг:

내 벗이 몇이나 하니 수석과 송죽이라

동산에 달 오르니 그 더욱 반갑고야

두어라 이 다섯 밧그 또 더하야 머엇하리.

Дўстдир менга: Зангор бамбук, дарё ва қарағай.

Ой чиққанда бахтлиман мен янада.

Ва ишонинг, ортиқ дўстнинг кераги йўқдир менга.

Сижода образлар анъанавий шартли бўлиб, шоир эҳтимол умри давомида денгизни кўрмаган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ у табиат лирикасида анъанавий бўлган машҳур пейзаж тасвирларидан ижодий фойдаланиб, ўзининг борлиққа муносабатини ифодалайди.

5. Мазкур жанрда ёзилган шеърларда қушлар образи муҳим рол ўйнайди. Сижо шеърлятида қушлар – руҳнинг тимсоли сифатида қаралади. Корейсларда қадимда одам ўлганидан кейин кабутарга айланади, деган гап бор. Шу маънода кабутар шеърда ер шари атрофида айланадиган қуш деб қаралади. Қушлар умуман илоҳият,

эркинлик ва илҳом рамзидир. Сижо жанрида қарқара, ғоз, қалдирғоч, чағалай, зарғалдоқ, какку қушлар тимсоли кўп учрайди. Бунда:

Қарқара – софлик дунёни ифлосликлардан холи бўлиши, оқлик рамзи, Чағалай- абадий бахт қувонч рамзи ҳисобланади.

Зарғалдоқ- баҳор, сариқ ранг, бахтли никоҳ каби рамзларни билдириб келади.

Ғоз – тунги қуш тимсолини, Қалдирғоч- мардлик тимсолини акс эттиради.

Какку қуши – қайғу ва изтиробни билдиради. Сижода какку кўпроқ тун билан боғлиқ тарзда қўлланади:

우는 것이 뼈꾸기냐 푸른 것이	Шошилмай арқонларни ўрайман
버들숲가 어촌 두어 집이	Ва бостирма тагидан ойга боқаман.
넋속에 들락 나락 말가한	Наҳот тун ҳам ўтди сездирмай
기쁜 소에 온갖 고기 뛰노난다	Яна бутазордан эшитилди какку овози

Мен ҳам сижо жанрида шеър ёзишга ҳаракат қилдим:

Қалбимни истиробга солар какку ноласи,

Келасанми бахт қуши мен томонга.

Ўтса ҳам йиллар ҳамон эшитилар какку ноласи.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

И Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1999; 686-бет.

2. Ўқув қўлланмалар:

2.1 Ким В.Н., Саидазимова У.Т., Пак И.Л. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. Тошкент, 2010

2. Илмий монография , мақолалар ва бошқа асарлар:

2.1 Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2007

2.2 Современная корейская поэзия. М., 1950.

2.3 На корейской земле. Стихи корейских поэтов. М.– Л.: ДЛ, 1952

2.4 Корейская классическая поэзия. Пер. А. Ахматовой. 2 изд., М., 1958.

2.5 Корейские лирики. Алма-Ата, 1958.

2.6 Пэкрён чхохэ (Антология лирических стихотворений рён-гу с корейским переводом). Изд. текста, пер. и коммент. Д. Елисеева. М.: ИВЛ, 1960 (Памятники литературы народов Востока. Тексты. Малая серия. VI)

2.7 Бамбук в снегу. Корейская лирика VIII–XIX вв. М.: ИВЛ, 1978 (сост. Л. Концевич, научные переводы и коммент. Л. Концевича и М. Никитиной; поэтич. пер. А. Жовтис)

2.8 Корейские шестистишия. Алма-Ата: Казахское гос. изд-во ХЛ, 1956. Пер. А.Л. Жовтис и П.А. Пак Ир

2.9 Чон Чхоль. Одинокий журавль. Из корейской поэзии XVI в. М.: ХЛ, 1975 (сост. и коммент. Л. Концевич, научн. пер. Н. Ицкова и Л. Концевич; поэтич. пер. А. Жовтис)

2.10 Никитина М.И. Древняя корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом. М., 1982.

2.12 Карманная Энциклопедии Республика Корея - сост. С.В. Волков, Т.М. Симбирцева - М.: ИД "Муравей-Гайд", 2000, 1996 .

2.11 Галкина Л.В. Модернизм в корейской поэзии 30-х годов XX века //Востоковедение. Вып. 17. Ленинград, 1991. С.50-55.

2.13 Lee Peter. Antology of Korean poetry. New York, 1964.

2.14 Ko Won. Contemporary Korean poetry. Seoul, 1970.

2.15 The Immortal Voice: An antology of modern Korean poetry. Seoul,
a. 1974.

2.16 권오석. «시조를 찾아서». 서울. 대일출판사-1993.

2.17 .조평환<한국고전문학 산책> 서울. 건국대학교 출판부 2004.

2.18.성기옥. <한국시의 미학적 패러다임과 시학적 전통> 서울. 소명출판 2004.

2.19.구인환, 김홍규 . 문학. 서울. 한샘출판(주) 1996. 121 쪽.

2.20.이종원. 한국문학강의 조동일 서대석 이혜순 김대행 박희병 오세형
조남현 공저. 서울. 도서출판 길빛. 1994. 202 쪽.

3.Фойдаланилган луғатлар :

3.1. Т.А.СИРОТИНА. Современный англо-русский словарь. БАО пресс. Москва 2005.

3.2.김문옥. 한-우 사전 . 타슈켄트. 도서출판 배달사. 2006 년 2 월.

3.3 .새 한-러 사전. 배달사. 서울 2002.

3.4.김병일 . 우즈베크어 한국어 사전 . 사마르칸드 국립외 국어대학교. 2008 년 9 월.

4. Фойдаланилган интернет сайтлари:

4.1 <http://blog.naver.com>

4.2<http://jyosio.com.ne.kr>

4.3 <http://www.sijomunhak.com>

4.4 <http://daum.net>

4.5 <http://idrama.us>